

---

## Аҳолини рўйхатга олиш муҳим жараён

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №5655-сонли фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 2020 йил 16 мартда ЎРҚ 611-сонли “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 31-моддадан иборатдир. Аҳолига рўйхатга олиш - бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги ижтимоий-иқтисодий, нуфузий ҳолатларини ифодаловчи умумдавлат миқёсидаги тадбирдир. Аҳолини рўйхатга олиш яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, тафсилот ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ҳам зарурдир. Бир сўз билан айтганда, аҳолини рўйхатга олиш тадбири ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Аҳолини рўйхатга олишни асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатнинг социал-иқтисодий-ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олишдан иборат.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг № 710-сонли қарори тасдиқланиб, унга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ҳам яратилди. Республика ҳамда ҳудудий комиссиялар таркиби, уларнинг вазифалари белгиланди.

Аҳолини рўйхатга олиш 3 босқичда амалга оширилади. 1-Босқич Тайёргарлик босқичи Тайёргарлик босқичида куйидаги ишлар амалга оширилади. - Меъёрий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар ва дастурлар ишлаб чиқилади. - Синов тарикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш. - Харажатлар сметаси ишлаб чиқилади. - Картографик материаллар тайёрланади. - Иштирокчилар танлаб олинади ва ўқитилади.

2-Босқич Рўйхатга олиш босқичи (10 кундан 60 кунгача бўлган давр) Аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текширувидан ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади.

3-Босқич Яқуний босқич (2 йилдан 3 йилгача) Саволномалар асосида йиғилган маълумотлар электрон базага киритилади ва яқуний маълумотлар тайёрланади. Шунингдек аниқланган барча аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатлари, дастурлар ва ташкилий ишларда йўл қўйилаётган камчиликлар бартараф этилиб, аҳолини рўйхатга олиш натижаларини эълон қилиш ва тарқатиш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари ўтказилади. Ўзбекистон Республикасида аҳолини синов тарикасида рўйхатга олиш тадбири 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида амалга оширилади.

2021-08-19 15:34:40